## Ўтган ҳафтага назар

*"Мен Ўзбекистонда дастлаб 1972 йилда бўлганман. Ҳеч бир муболағасиз айтишим мумкинки, бугун юртингизни мен билган ўша Ўзбекистон билан таққослаб бўлмайди. Аввал бу мамлакат халқи масжидларга боролмасди, ноёб ёдгорликлар ҳам бир ҳолда эди. Бугун эса мамлакатнинг ҳар қадамида эркинликни, озодликни ҳис этаяпман..."*

# ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН ОРЗУ

Бу жумлаларни 2000 йилнинг октябрь ойида мамлакатимизга ташриф буюрган Бангладеш ташқи ишлар вазири Абду Самар Озод айтган эди. У ўзбек халқининг ўтмишига, буюк алломаларига кўрсатган ҳурмат, эътиборидан ҳайратга тушганини яширмаганди.

Аслида, техника мислсиз ривожланган, инсон ақл-заковати энг юксак даражага кўтарилган бугунги кунда яратган кашфиётинг ёки қурган иморатинг билан бирор одамни ҳайратга солиш, уни лол қолдириш осон эмас. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти — АЙСЕСКО томонидан Тошкентнинг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти», деб топилиши ёш мамлакатимиз учун оламшумул воқеадир.

Ўтган ҳафта матбуотда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси эълон қилинди. «Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи» деб номланган мазкур интервью шу мавзуга бағишланган.

Ислом оламида мамлакатлар ҳам, шаҳарлар ҳам кўп. Лекин нима учун улар ичидан айнан Тошкент бундай юксак номга лойиқ топилди?

Бу саволга жавоб топиш учун тарихий китобларни титкилаш шарт эмас. Бундан ўн беш-йигирма йил бурун мактабни ёки олий ўқув юртларини битирган одамлардан сўраб кўринг. Улар Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотурудий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларини билишганми? Уларнинг меросларини ўрганишганми? Йўқ, албатта.

Маълумотларга қараганда, шўролар даврида Ўзбекистондаги 24 минг масжид вайрон этилган. 1930 йилда биргина Тошкент шаҳрининг ўзида 26 мадрасанинг 23 таси йўқ қилинган.

Энди бошқа маълумотларга эътибор беринг. Кейинги 15 йил ичида мамлакатимизда бир неча минг масжид қурилди. Кўплари таъмирланди. Президентимиз ташаббуси билан обод қилинган зиёратгоҳларни эсланг. Имом Бухорий мажмуасини зиёрат қилган Уэлс Қироли Чарлз ҳайратини яшира олмай шундай дейди: "Кўп шаҳарларда бўлдим. Лекин уларда Самарқанд замини, Имом ал-Бухорий зотлари ёдгорлик мажмуасидагидек таассурот ололганим йўқ.

Мажмуа қадимий миллий услубда қурилган. Усталар санъатига лол қолдим".

Юртбошимиз ўз интервьюсида Тошкент нима учун бундай юксак номга сазовор бўлгани ҳақида фикр юритар экан, ҳеч шубҳасиз, бу масалада мамлакатимизнинг умумий тарихи, хусусан ислом дини билан боғлиқ ўтмиши катта роль ўйнаганини таъкидлайди. Шунингдек, халқимиз томонидан мусулмон динига хос қоида ва арконлар, анъаналар, қадриятлар асрлар давомида сақлаб келинаётгани, юртдошларимизнинг ислом цивилизациясига, маданиятига қўшган буюк ҳиссаси, ўлкамизда улуғ тафаккур соҳиблари, буюк уламолар яшаб ўтгани ҳамда улар қолдирган илмий-маънавий мерос, бу мероснинг бугун асраб-авайлаб сақланаётгани ҳам инобатга олинганини қайд этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ғарбдаги айрим сиёсатчилар, ўзларини «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» деб ҳисобловчи баъзи бир нодавлат ташкилотлар вакиллари Ўзбекистонда динга тазйиқ қилинмоқда, виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун бузилмоқда, деб аюҳаннос солаётган бир пайтда, Тошкетнинг «Ислом маданияти пойтахти» деб тан олиниши ҳар қандай ёлғоннинг умри жуда қисқа эканлигини кўрсатди.

«Ўзбекистон бундай эътирофга лойиқдир, — дейди Буюк Британиянинг мамлакатимиздаги элчиси Дэвид Моран, — Мусулмон оламининг энг муҳим ёдгорлиги Усмон Қуръони Ўзбекистонда сақланади. Тошкентнинг ислом маданияти пойтахтларидан бири, деб эътироф этилиши Ғарб жамоатчилигида унинг бой ва ўзига хос тарихий, маданий ҳамда маънавий меросига қизиқишни кучайтиради. Ўзбекистон халқи Тошкент билан бир қаторда Самарқанд, Бухоро, Хива каби улуғвор ҳамда гўзал шаҳарлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди».

Мамлакатимиз раҳбари ўз интервьюсида халқ маънавиятини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қадимий ва бой меросимизни ҳар томонлама асраб-авайлаш ҳақида гапирар экан, шундай дейди:

*«Албатта, биз она заминимиз бағридаги ҳар бир моддий ва маънавий мерос намунасини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича қилаётган бу ишларимизни кимгадир намойиш қилиш, кўз-кўз этиш учун эмас, аксинча, келажагимизни ўйлаб, онгимиз ва қалбимиз даъвати билан амалга оширмоқдамиз. Токи эртага бизнинг ўрнимизга келадиган, биз бошлаган олижаноб ишларни муносиб давом эттиришга қодир бўлган ёшларимиз ана шу бебаҳо маънавий бойликдан баҳраманд бўлсин, шу асосда ўзининг кимлиги, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб етсин».*

Норқул ота Бойзоқовнинг ёши саксонга яқинлашиб қолди. У Боёвут туманининг Қарабчи қишлоғида яшайди. Фарзандларини уйли-жойли қилиб бўлган. Унга невара ва чевараларининг тўйини кўриш ҳам насиб этди. Шунинг учун ёши бир жойга бориб қолган бўлса-да, ҳар йили пенсия пулини йиғиб, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилишга боради.

— Шу кунларга етказганига шукур, — дейди отахон. — Номозни яшириб ўқиган кунларимиз ҳам бўлди. У пайтда сиёсат шундай эди. Бугун эса... Яқинда қишлоғимизнинг бир гуруҳ мўйсафидлари билан Бухорога бордик. У ерда Баҳоуддин балогардон ҳазратлари хоки ётган муқаддас тупроқни зиёрат қилдик. Қайтишда Ғиждувонда тўхтадик. Жума номозини Ғиждувоний зиёратгоҳида ўқидик. Илгари буни орзу қилиш мумкин эди холос.

Отахон рост гапни айтдилар. Илгари орзу бўлиб кўринган нарса мустақиллик туфайли ҳақиқатга айланди. Истиқлол туфайли Тошкентимиз «Ислом маданияти пойтахти», деган шарафга лойиқ топилди.

Ўтган ҳафтанинг муҳим воқеалари ҳақида гапирганда, мамлакатимиз вилоятларида 2006 йил якунлари ва 2007 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган мажлислар бўлиб ўтганини, бу анжуманларда келгуси вазифалар белгилаб олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

**Беққул ЭГАМҚУЛОВ.**

## 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



*Пойтахтимизнинг "Ҳувайдо" маҳалласидаги 39-оилавий поликлиника капитал таъмирланиб, замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминлангач, яна иш бошлади. Ушбу савобли юмуш "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида "Меҳр нури" хайрия жамғармаси ташаббуси билан амалга оширилди.*

# «ҲУВАЙДО»НИНГ ЯНГИ ПОЛИКЛИНИКАСИ

Мамлакатимизда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини кучли ижтимоий ҳимоялаш, шу мақсадда янги тиббиёт муассасалари барпо этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш, Меҳрибонлик, Саховат ҳамда Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатлар моддий-техника базасини мустаҳкамлашдек эзгу ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Бундай хайрли юмушларга жамоат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшаётир.

"Меҳр нури" хайрия жамғармаси томонидан қайта таъмирланган оилавий поликлиникада турли йўналишдаги шифокорлар кўрик хонаси билан бирга, тиббий текширув учун янги лаборатория, ультратовуш ускунали ташҳис, стоматология, хотин-қизлар шифокори кабинетлари, кундузги стационар, тренажёр, болалар хоналари мавжуд. Эндиликда поликлиника яқин ўртадаги маҳаллаларда яшовчи ўттиз мингдан ортиқ аҳолига замонавий тиббий хизмат кўрсатади.





Поликлиникага тезкор тиббий ёрдам учун мўлжалланган ускуна ва дори-дармонлар билан таъминланган "Дамас" автомашинаси топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 27 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 985,14 | 1 Малайзия ринггити | 356,36 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2442,57 | 1 Польша злотийси | 422,98 |
| 1 Дания кронаси | 220,11 | 1 СДР | 1863,39 |
| 1 БАА дирҳами | 338,61 | 1 Туркия лираси | 900,70 |
| 1 АҚШ доллари | 1243,86 | 1 Швейцария франки | 1011,10 |
| 1 Миср фунти | 218,60 | 1 ЕВРО | 1640,28 |
| 1 Исландия кронаси | 18,75 | 10 Жанубий Корея вони | 13,28 |
| 1 Канада доллари | 1072, 85 | 10 Япония иенаси | 102,91 |
| 1 Хитой юани | 160,62 | 1 Россия рубли | 47,39 |
| | | 1 Украина гривнаси | 246,31 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## ЙИЛ САРҲИСОБИ: ТАҲЛИЛ, САБОҚ ВА ЕЧИМЛАР

*Ўтган йил якунларини ифодаловчи рақамларнинг мағзини чақар эканмиз, бу кўрсаткичлар реал воқеликка айланиши учун қанчалаб пешона тери тўкилганини, халқимизнинг Ватан қудратини мустаҳкамлаш йўлида мислсиз фидойилигини қалбдан ҳис этамиз. Дарҳақиқат, Президентимиз уқтирганларидек, 2006 йил бутун дунё олдида Ўзбекистоннинг нималарга қодирлигини намойиш этадиган йил бўлди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий кўрсаткичларига назар ташлайлик: ўтган йили иқтисодиётнинг барқарор ўсишига эришилиб, ялпи ички маҳсулот аввалги йилдагига нисбатан 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10,8, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,2 фоизга ошди, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичлар 19,5 фоизга кўпайди.*

# ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ОМИЛЛАРИ

*ёки янгиланиш ва барқарор тараққиётга эришишда Юртбошимиз белгилаб берган устувор йўналишларнинг ўрни*

Экспорт корхоналаримиз фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди. Биргина 2006 йилнинг ўзида товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилдагига нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортди. Экспорт ҳажмининг ана шундай ўсиши биз учун анъанавий ресурслар бўлмиш пахта толаси, қимматбаҳо металлар ва турли хомашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки асосан автомобиллар, нефть-кимё ва металл буюмлари, минерал ўғитлар, ипкалава, газлама, трикотаж, сим-кабель маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини кўпайтириш эвазига таъминланмоқда. Буни экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши 53 фоиздан ошгани, пахта толасининг улуши эса 17 фоизгача камайгани ҳам тасдиқлайди.

Президентимиз маърузасида 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилди.

**Биринчи навбатдаги ҳал қилувчи асосий вазифа** — бу иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи жиддий эътиборни талаб қилади. Чунки корхоналарда эскирган технологиялар, жисмоний ва маънавий жиҳатдан аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган асбоб-ускуна ва дастгоҳлар билан ишлаётган ўнлаб ва юзлаб корхоналар сифатсиз, истеъмол учун яроқсиз маҳсулотларни ишлаб чиқараётганлиги корхонанинг молиявий имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлигига олиб келмоқда. Бу эса уни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ масалаларга нисбатан янгича ёндашувни талаб этмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда **иккинчи асосий устувор йўналиш** хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишдан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб боришдан иборатдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароитида республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналарга алоҳида эътибор қаратиш, бу жараён янги инновациялар, ташаббускорликни талаб этишини ҳисобга олган ҳолда, шу асосда, яъни ресурсларни тежаб, сифатли маҳсулот чиқариш йўли билан иқтисодий ривожланишни таъминлаш мумкин. Бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналарда фан ва техникада эришилган энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш лозим.

Шу ўринда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига суянадиган бўлсак, уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари барқарор иқтисодий ўсишнинг асосий омили, иқтисодий конъюнктуранинг ўзгаришларига тез мослаша оладиган, янги техника ва технологияларни доимий равишда талаб қиладиган, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган хўжалик субъектлари сифатида кенг фаолият юритмоқда. Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарини изчил ривожлантириш натижасида одамларни янги иш жойлари ва даромад манбаи билан таъминлаш, жойларда ташаббускорликни рағбатлантириш, аҳоли орасида тадбиркорлик кўникмаларини оммалаштириш имкониятлари пайдо бўлади.

Статистик маълумотларнинг кўрсатишича, 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари сони қарийб 350 мингтага етди. Бугунги кунда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этмоқда. 2006 йилнинг ўзида ушбу соҳада қўшимча равишда 290 мингта янги иш ўрни яратилдики, бу кўрсаткич мамлакатимизда очилган янги иш жойларининг 50 фоиздан ортиғини ташкил этади.

Шу билан бирга, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг мавжуд салоҳиятини тўла намоён қила олмаётганини ҳам қайд этиш лозим. Шунинг учун Ўзбекистонда бу соҳани янада ривожлантириш учун анча-мунча вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Фикримизча, хомашёни бирламчи қайта ишлайдиган оддий ишлаб чиқаришдан босқичма-босқич юксак технологик ишлаб чиқариш тизимига ўтиш зарур. Бу жараён ички бозордаги талаб ва маҳсулот экспортини кенгайтиришга йўналтирилиши керак.

Айни пайтда машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик, пойабзал каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳалар, шунингдек, қурилиш материаллари саноатида кичик бизнеснинг ўрни ва улушини ошириш лозим. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида юксак профессионализм ва интеллектуал салоҳиятга асосланган меҳнатни тобора кенг қўллаш, фан ва техниканинг илғор ютуқларини фаол жорий этиш, янги инновацияларни яратиш асосида барқарор иқтисодий ўсишда унинг улушини янада кўпайтириш даркор.

**М**олия-кредит тизимини такомиллаштириш ҳамда кичик корхоналарнинг кредит манбалари ва сармояларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, давлат томонидан кредитни кафолатлаш жамғармаларини яратиш ҳам талаб этилади.

Шу аснода кичик корхоналарнинг хомашё ва технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш тизимини такомиллаштириш зарур.

Соҳани ривожлантиришда салоҳиятли кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш тармоқ ва ҳудуд учун зарур. Аммо тараққиёт концепциясида асосий эътибор, биринчи навбатда, паст рентабелли соҳаларнинг ривожи учун қулай имкониятлар яратиш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати йўналишлари ва мақсадларига мос фаолият юритаётган хўжалик тузилмаларини рағбатлантириш, ҳудудий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга солиқ имтиёзлари белгилаш, лизинг хизмати ва инвестицион хатарларни суғурталаш тизимини кенгайтириш ва молиявий имкониятлари чегараланган кичик тадбиркорлик корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланишига йўл очувчи шароитларни таъминлаш вазифаларига қаратилмоғи керак.

**Учинчи энг муҳим устувор йўналиш** — бу хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтиришдан иборат. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб этмасдан туриб, реал иқтисодиётда, биринчи галда, етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин". Шу билан бирга, "ривожланган давлатлар тажрибаси кўрсатишича, йилига 6 фоиздан ортиқ иқтисодий ўсишни таъминлаш учун жамғармалар ялпи ички маҳсулотнинг камида 25 фоизини, инвестициялар эса 30 фоизини ташкил этиши керак". Чунки бозор иқтисодиётини чуқурлаштириш шароитида инвестициялар тармоқни замонавий илғор техника ва технологиялар билан таъминлайди, унинг маблағи захирасини тўлдиради, илғор бошқарув тажрибасини йўналтиришга кўмаклашади, мамлакат озиқ-овқат бозорини барқарорлаштиради ва экспорт салоҳиятини оширади. Шунингдек, хорижий инвестициялар қишлоқ жойларда турмуш шароитининг яхшиланиши, янги иш ўринларининг яратилишига олиб келади ҳамда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун, аввваламбор, иқтисодиёт тармоқларида мавжуд шарт-шароитларни ўрганиш, қулай имкониятлар яратиш, хорижий инвестициялардан асосан ўрта ва узоқ муддатларда фойдаланишни таъминлаш, чет эллик сармоядорларни ўзига жалб этувчи ва самарали инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, инвестиция фаоллигини ошириш учун бевосита товар ишлаб чиқарувчиларнинг инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги кенг иштирокини таъминлаш лозим. Негаки, хорижий инвесторларни жалб этадиган ҳар томонлама минимал инвестиция лойиҳалари етарли эмаслиги, уларни ишлаб чиқишдаги камчиликлар, амалий тажрибанинг етишмаслиги бу борада асосий тўсиқлардан ҳисобланади.

2007 йилда алоҳида эътибор талаб қиладиган **тўртинчи устувор вазифа** — бу иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлашни кўзда тутади.

**Бешинчи энг муҳим устувор масала** эса — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдир.

**Олтинчи устувор масала** — банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдир.

Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим вазифалар — банкларнинг ўз устав капиталини кўпайтириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва сармоя киритиши мумкин бўлган инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш каби комплекс чораларни амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим. Президентимиз таъкидлаганидек, "ишни шундай йўлга қўйиш керакки, мижозлар, тадбиркорлар банкларнинг ортидан эмас, аксинча, банклар бизнес вакиллари ва аҳоли орқасидан юрадиган бўлсин".

Бизнинг доимий эътиборимизни талаб қиладиган **еттинчи устувор йўналиш** — бу коммунал хўжалик соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ. Шу мақсадда охирги йилларда уй-жой-коммунал хўжалигида рўй бераётган жараёнларни танқидий баҳолаб, барчамиз учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу соҳада ҳамон сақланиб қолаётган жиддий муаммоларнинг илдизига етиш ва уларни бартараф қилиш зарур. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси, «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига тўлиқ амал қилинишига эришишимиз зарур.

**Я**на шуниям таъкидлашимиз керакки, ҳозирги кунда республикамизда фан ва таълим соҳасидаги энг сўнгги ютуқларни қўллаган ҳолда, кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш, малакасини ошириш масалаларига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Бунинг замирида, энг аввало, тайёрланаётган маҳаллий кадрларнинг халқаро андозаларга ҳар томонлама жавоб бериши, бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф ўзгаришларига, рақобатига тайёр туришдек улкан мақсадлар мужассам. Шундай экан, келгусида олий таълим муассасаларида, касб-ҳунар таълимида, малака ошириш муассасаларида ўқув-услубий ҳужжатлар сифатли тайёрланиши, энг сўнгги фан ва таълим соҳасидаги ўзгаришларни, янги инновацияларни ўзида намоён эта оладиган даражада тайёрланган бўлиши лозим. Бу эса педагог-ўқитувчилардан катта маҳоратни талаб этгани ҳолда, талабалар ва тингловчиларнинг кенг доирада билим олишлари ва малака оширишларига, замонавий фан ва таълим соҳасидаги янгиликларни ўзлаштириб боришларига катта имкониятлар очиб бериши шак-шубҳасиздир.

**Саидаҳрор ҒУЛОМОВ,**
**академик.**
**Баҳодир ҒОЙИБНАЗАРОВ,**
**иқтисод фанлари доктори.**

# Ҳуқуқий саводхонлик кунлари

**Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Қашқадарё вилоят филиали Қамаши туманида давра суҳбати ўтказди.**

«Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш лойиҳаси» доирасида ташкил этилган бу мулоқотда туман хотин-қизлар қўмитасининг аъзолари, маҳалла ва халқ таълими фаоллари қатнашдилар.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, оила ва никоҳ мавзуидаги тушунтириш ишларини кучайтириш, ўқувчи қизларнинг кийиниш ва муомала маданиятини юксалтиришга қаратилган амалий таклифлар давра суҳбати қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди. Тадбир давомида маҳаллаларда ҳуқуқий саводхонлик кунларини ўтказиш ва мактабларда психолог-педагоглар иштирокида «Ишонч марказлари» ташкил этишга келишиб олинди.

**Б.НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## «Халқ сўзи»га жавоб берадилар



*Ғиждувонлик Н. Абдуллаев, Д. Ғиёсов, Л. Бекмирзаева ва бошқалар (жами 15 киши) таҳририятимизга йўллаган мактубларида туман марказида очилган янги бозор директори Соли Саидов ҳамда маъмурият ходимлари савдо расталарини тадбиркорларга тақсимлашда ўзбошимчаликка йўл қўйишаётгани ҳақида сўз юритишганди. Биз шикоят хатини текшириш ва қонуний чора кўриш учун Бухоро вилояти прокуратурасига жўнатгандик. Шу муносабат билан яқинда вилоят прокурори ўринбосари Ж.НИЗОМОВдан қуйидаги расмий жавобни олдик:*

# Тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда

"Аризада келтирилган важлар текширилганида, "Хўжаи жаҳон" буюм бозори маъмурияти ходимлари тумандаги "Ишонч Буюк Турон" хусусий фирмаси раҳбари билан ўзаро жиноий тил бириктириб, фирма томонидан тайёрланган умумий нархи 15 миллион сўмлик 45 та савдо растасини шу ерда савдо-сотиқ билан шуғулланаётган тадбиркорларга нақд пулга сотгани, бироқ бу пулларни банкка топширмагани, шунингдек, бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланиши лозим бўлган 3 миллион 249 минг сўмлик тўловларни яширгани, солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаганликлари аниқланди.

Шунга кўра, бозор маъмурияти ва "Ишонч Буюк Турон" раҳбарларига нисбатан Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми "б" банди аломатлари билан жиноий иш қўзғатилди. Айни кунларда Ички ишлар вазирлигининг тергов Бош бошқармаси терговчиси томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, "Хўжаи жаҳон" бозорининг молиявий хўжалик фаолияти юзасидан ҳужжатли тафтиш тайинланган бўлиб, натижаси бўйича тергов идораси томонидан қонуний қарор қабул қилинишини таъминланади".

## Мушоҳада

*Навоий вилоятида хизмат сафарида юрганимда бир такси ҳайдовчиси ишсизлик хусусида нолиб қолди.*

*— Танишларим Россияга, Қозоғистонга иш излаб кетаяпти, — дейди у. — Мана, мен вилоятнинг тоғли ҳудудидаги бир қишлоқда яшайман. Қишлоғимизга чиройли коллеж қуриб беришди. Шунинг ўрнига битта заводми ёки корхонами қурилса, қишлоқдошларим ишли бўлиб қолармиди?*

# ЯХШИ МУТАХАССИС ИШ ИЗЛАМАЙДИ

— Тоғликларнинг тирикчилиги асосан чорвадан, тўғрими? — дея унинг сўроғига сўров билан мурожаат қилдим. — Хўп, сиз айтганингиздек, тўсатдан ўша тоғнинг тепасига хорижнинг қайси бир мамлакатидан ускуналар олиб келиб, завод қуриб берилса, уни ким ишлатади? Ҳозир қишлоғингизда замонавий дастгоҳлар билан бемалол «тиллаша» оладиган қанча мутахассис бор?

Шеригим бироз ўйланиб қолди.

— Сиз хурсанд бўлинг, энди қишлоғингиз ёшлари мактабни битириб яйловда қолиб кетишмайди, — дея гапимни давом эттираман. — Коллежларда иқтисодчилар, қурувчилар, хуллас турли касб эгалари етишиб чиқади. Ҳеч бўлмаганда, бирорта чет тилини ўрганган бўлади. Бироз сабр қилсангиз, ўша корхоналарни тез орада қишлоқ ёшларининг ўзлари қуришади. Чет элдан ўзлари ускуналар олиб келиб, ўрнатишади. Қишлоқни янада обод қилишади.

Бугун бундай саволларни берадиганлар учраб туради. Давлат бюджетининг катта қисмини муҳташам коллежлару академик лицейлар қуришга сарфлагандан кўра, иш жойлари яратилса-чи? Коллежни битираётган минг-минглаб ёшлар қаерда ишлайди?



Бу саволларга кўпчилик билган бир мисол орқали жавоб бермоқчимиз. Германия ва Япония иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учрагандан сўнг бу икки мамлакатга фақат вайроналар мерос қолди. Бугун ушбу юртларга борган одам 60-65 йил олдин бу жойларда уруш бўлганига ишонмайди. Улар бунга биринчи навбатда таълимни ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш орқали эришди. Ўша пайтларда мамлакат иқтисодиёти издан чиққан, бутун халқ қашшоқликка маҳкум этилганди. Шундай бўлишига қарамай, ҳукумат топган маблағини таълимни ривожлантиришга сарфлайверди. Бу икки давлатни моддий бойликлар эмас, ёшларнинг соғлом ақли ва азму шижоати буюк келажакка бошлаб келди. Келажагини олдиндан кўра билган ҳукуматгина шундай йўлдан боради. Қолаверса, XXI асрда ривожланиш моддий бойликка эмас, интеллектуал салоҳиятга боғлиқ бўлиб қолди.

Бундан ўн йил олдинги даврларни эсланг. Омади чопган ёшлар олий ўқув юртларига кириб, бир касбнинг эгаси бўларди. Аксарият ёшлар отасининг кетмонию, чўпон таёғини олиб, «Менинг қисматим шу экан-да», дея кетаверарди.

Бугун-чи? 1997 йилдан то шу бугунга қадар 600 минг навқирон авлод лицей-коллежда таҳсил олибди. Бу авлоднинг бундан 10 йил олдинги ёшларга таққослаганда дунёқараш, билими, тафаккур ва фикрлашда ер билан осмонча фарқ бор.

Коллежнинг дипломини қўлга киритган талаба «Қисматим шу экан-да», деган гапни ҳозир хаёлига ҳам келтирмайди. Муҳими, у келажагини қуриш учун давлат унга яна бир имконият берди — битта касбнинг эгаси бўлди.

Тўғри, айни пайтда ҳамма дипломлини ҳам дарҳол иш билан таъминлашнинг имкони йўқ. Фақат бизда эмас, манаман деган ривожланган давлатларда ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган шундай муаммолар бор. Энди буёғи ўша мутахассиснинг ҳаракати, интилишига ҳам боғлиқ.

Қолаверса, яхши маҳсулот рекламага муҳтож эмас. Бу иборани меҳнат бозорига ҳам қўллаш мумкин. Вақтини аудиторияда эмас, йўлакда ёки кўча-куйда ўтказган талаба эртага бирор ташкилот эшигига иш сўраб боролмайди. Чунки, қўлидан бир иш келадиган одамгина ҳар қандай раҳбарнинг эшигини бемалол очиб кира олади. Яхши кадрга ҳамма жойда эҳтиёж бор. Қайси раҳбар билан гаплашманг, яхши мутахассис йўқлигидан гап бошлайди. Корхона ёки ташкилотга фойда келтирадиган, фидойи, изланишдан бир дам бўлса-да тўхтамайдиган ёш мутахассисни қайси раҳбар четга суради?

*Шу ўринда бир ҳаётий мисолга тўхталиб ўтсак. Мамлакатимизда бугун янги мулкдорлар синфи — фермерлар фаолият юритмоқда. Уларнинг сафи 190 минг нафарга етди. Хусусий тадбиркорлар қанча. Уларнинг ҳар бирига биттадан ҳуқуқшунос, биттадан ҳисобчи керак. Демак, биргина фермерлик ҳаракатига биринчи навбатда 400 минг нафар иқтисодчи ва ҳуқуқшунос керак бўлади? Мана, сизга янги иш жойи.*

Баъзида қишлоққа борганимда, фермерлар «Ёнилғини вақтида ололмаяпман, ўғит кечикаяпти, унинг орқасидан югуриб юришга фурсат тополмаяпман», деб қолади. Бу маҳсулотларни етказиб бериш учун фермер ҳар бир ташкилот билан шартнома тузган. Яъни ҳуқуқий муносабатга киришаяпти. Бундай муносабатларда қишлоқ мулкдорининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилувчи мутахассис керак.

Улардан бирига битта ҳуқуқшунос ёлланг деб маслаҳат солдим. «Эй, қўйсангчи, ука! Қишлоғимиз коллежини тугатиб чиққан баъзи юристлар қонунларни яхши билишмайди. «Фермерлар тўғрисида»ги қонунни билса-ку, олам гулистон. Лекин булар шуни ҳам билишмайди-да. Уларни ишга олиб, беҳуда пулни ҳавога совуриб нима қиламан. Қани эди, бизнинг фаолиятимизни ҳимоя қиладиган қонунлару ҳукумат қарорларини пухта ўзлаштирган ҳуқуқшунос бўлса, ҳамма ишим беш бўларди» деб қолди.

Ҳеч қайси тадбиркор текинга маош тўламайди. Меҳнат бозорида ҳам, истаймизми-йўқми, ана шундай рақобат муҳити шаклланиб бормоқда. Ўрта маълумотли ҳуқуқшунос иш берувчининг талабига жавоб бера оладими? Ҳар бир талаба шу мезон асосида ўзига, иқтидори ва билимига баҳо бериши лозим. Етарли салоҳиятга эга мутахассис бугун ишсиз қолмайди.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Компьютер мўъжизалари

Тошкент Фото уйида ноанъанавий усулда яратилган рангтасвир, фотоарт ва замонавий IT-дизайннинг имкониятларини намоён этувчи кўргазма очилди. Унинг муаллифи академик рассом Владимир Бурмакиндир.

Кўргазмага мусаввирнинг аёллар мавзусидаги юзга яқин асарлари қўйилган. Бу асарларда аёлларга хос гўзаллик, латофат, бетакрорлик акс этган. Компьютер ёрдамида яратилган бу асарлар тасаввурни бойитади, инсон фантазиясининг ҳадсиз сарҳадларига етаклайди.

— Менинг экспозициям "Compjufo ажойиботлари" деб номланган, — деди Владимир Иванович кўргазма очилишида. — Кўпчилик бунинг маъносини тушунтириб беришимни сўрашяпти. "Compjufo" - "компьютер фотографияси" деган маънони англатади. Менимча, компьютерда ишлайдиган кўплаб одамлар бу ажойиб техника қандай имкониятларга эга эканлигини тўла тасаввур қила олмайдилар. Зеро, қалбида рассомликка меҳри бор ҳар қандай инсон компьютер ёрдамида ажойиб кашфиётлар қила олади. Мен шуни исботламоқчи бўлдим.

В. Бурмакин асарлари пойтахтимизнинг "Халқлар дўстлиги" саройини, "Пахтакор" метро бекатини, "Меҳнат резервлари" спорт мажмуасини, "Зарафшон" ресторанини, шунингдек, Тошкент отчопари ва аэропортини безаб турибди. Рассом Россия, Англия, Франция, Америка, Германия, Болгария, Туркия, Польшада ўтказилган халқаро кўргазмаларда фаол иштирок этиб келади. Бугунги кунда Бурмакиннинг картиналари дунёнинг кўплаб музейларида, галереяларида ва шахсий коллекцияларида сақланмоқда. Германиянинг Гуммерсбах шаҳри ЭКЮ меҳмонхонаси галереясидан унинг 200 га яқин асарлари жой олган.

**Юлдуз РИЗАЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


## Ҳурматли юртдошлар!

TURON BANK

## АТ «ТУРОНБАНК»и

**сизларга пластик карточка — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади:**

- ***«Туронбанк» сўм пластик карточкалари — бу сизнинг электрон ҳамёнингиздир.***
- ***«Туронбанк» сўм пластик карточкалари эгалари республикадаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида тўловларни амалга ошириши мумкин.***
- ***Иш ҳақи, нафақа ва унга тенглаштирилган тўловларни кечиктирмай, белгиланган тартибда пластик карточка ҳисоб рақамига ўтказишингиз мумкин.***
- ***Пластик карточка орқали барча тўловларни, шунингдек, нақд пулсиз коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз.***
- ***«Туронбанк» сўм пластик карточкасидаги қолдиқ суммага, ойма-ой капитализация қилиш ҳисобига йиллик 14 фоиз устама даромад ҳисобланади.***

Бундан ташқари, «Туронбанк» корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига **«корпоратив»** пластик карточкаларини таклиф этади.
Бунда корхоналар ўзининг вақти ва маблағларини тежаши мумкин.
**«Корпоратив»** пластик карточкалар — бу корхонанинг универсал тўлов воситасидир.




- **«Туронбанк» — сўм пластик карточкангиз ва омонатингиз бўйича барча маълумотларни сир сақланишига кафолат беради.**
- **«Туронбанк» сўм пластик карточкасидаги ва омонатидаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.**

Маълумот учун телефонлар: 144-01-95, 144-32-52.

**«ТУРОНБАНК» СИЗ БИЛАН, СИЗ УЧУН!**

**Хизматлар лицензияланган**

249R/339


## Спорт



### «Аэрофлот оупен – 2007» турнирида

***Москвада шахмат бўйича «Аэрофлот оупен — 2007» халқаро турнири бўлиб ўтмоқда.***

Мукофот жамғармаси 200 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур мусобақада ФИДЕ рейтингида юқори ўринларда турувчи шахматчилар иштирок этмоқда.

Ҳозирча ўтказилган етти тур натижаларига кўра, самарқандлик гроссмейстер Шуҳрат Сафин совриндорлар сафида бормоқда.

### Қувончбек Тойғонбоев чемпионлик камарини ҳимоя қилди

***Екатеринбург шаҳрида таниқли боксчи Константин Цзю соврини учун халқаро турнир бўлиб ўтди.***

Унда мухлислар профессионал боксчилар ўртасидаги бешта жанг гувоҳи бўлишди. Биз учун аҳамиятли томони шу куни ҳамюртимиз Қувончбек Тойғонбоев ўзининг WBO Asia-Pasifc чемпионлик камарини қозонлик Ахмед Алигевга қарши ўтган жангда муносиб ҳимоя қилди. Чемпионлик камари учун жанг 12 раунд давом этиши керак эди. Лекин, боксчимиз уни узоқ чўзиб ўтиришни маъқул кўрмади. Қувончбекнинг кетма-кет берган кучли зарбаларига россиялик боксчи 8 раунд чидаб берди, холос. Шу раундга келиб Ахмед чуқур нокдаун ҳолатига тушиб қолди. Рефери эса жангни тўхтатишга мажбур бўлди. Ўзбекистонлик боксчи фойдасига навбатдаги ғалаба ёзилди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ

**Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор** AVTODOM PLUS



**ГАЗ-3221, Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли**



**ГАЗ-31105, «ВОЛГА»**



**ГАЗ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли**




**ГАЗ-32214 (4х4) "Тез ёрдам"**



**ГАЗ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи**



**ГАЗ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли**



**ГАЗ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли**



**ГАЗ-3307 Автоэвакуатор**



**ГАЗ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли**

ТЎЛОВ ШАКЛИ — ТУРЛИЧА

Маҳсулот сертификатланган

**ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ**

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

**ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:**

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

**АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА**

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz



**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги пахта толасини сертификатлаш**

**Ўзбекистон «SIFAT» маркази**

**Навоий шаҳрида ҳудудий лаборатория учун қўшимча бино, намуна сақлаш хоналари қурилиши учун**

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**
**- Навоий шаҳрида: 4-65-71, 4-76-89;**
**- Тошкент шаҳрида: 120-59-23. Факс: 144-65-24.**

237R/320


Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институти жамоаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик
**Галина Анатольевна ПУГАЧЕНКОВАнинг**
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

Республика Маънавият тарғибот маркази «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Исфандиёр Латиповга отаси
**Худоёр ЛАТИПОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлими жамоаси катта илмий ходим Ҳамдам Раҳимовга онаси
**Ражаббиби ая ҚУРБАНБАЕВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

АТ «Ўзсаноатқурилишбанк» жамоаси Хусусий мижозлар билан иш олиб бориш бўлими бошлиғи Нурулла Эргашхўжаевга онаси
**Маҳсума ая ИМОМАЛИЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи**
**Ш. ЖАББОРОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 153. 40638 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.**

**t-Тижорат материали**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**
**Навбатчи котиб — А. Орипов.**
**Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.**
**Навбатчи — З. Жонибеков.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10** 23456